

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси

Рақобатни ривожлантириш ва

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш қўмитаси ҳузуридаги

Жамоатчилик кенгаши раиси



Д.Мирзаахмедов

**Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгашининг 2025 йилнинг 23 январь куни ўтказилган
йиғилишининг 03-сонли
БАЁНИ**

Раислик қилди: Ўзбекистон Маркетинг уюшмаси бошқарув раис **Диёр
Мирзаахмедов**

Қатнашдилар: Жамоатчилик кенгаши аъзолари: Ш.Шарахметов,
Х.Худойбердиев, М.Сафаров, Д.Мирзаев, Р.Джураев,
З.Вахидов, О.Насиров, Л.Ачилова, К.Ниязов,
М.Акрамова, Р.Назаров, Л.Николенко, Ш.Латипов,
Б.Атаханов, О.Усмонов.

К У Н Т А Р Т И Б И

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан **2024 йил давомида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар тўғрисида.**

Қўмита томонидан 2025 йилда амалга ошириладиган асосий мақсад ва устувор вазифалар тўғрисида.

Раислик этувчи **Диёр Мирзаахмедов** сўзга чиқиб, Қўмита томонидан 2024 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботни тинглаш учун Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Қўмита раисининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича маслаҳатчиси –

О. Усмоновга сўз берди.

Жамоатчилик кенгаши аъзоси Қўмита томонидан 2024 йил давомида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда 2025 йилда амалга ошириладиган асосий мақсад ва устувор вазифалар тўғрисида ҳисобот берди. Шунингдек, Қўмитанинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органлари томонидан 2024 йилда амалга оширилган ишларга ҳамда ижобий натижаларга ва йўл қўйилган камчиликларга қисқача тўхталиб ўтилди.

Ҳудудий органлар томонидан 2024 йил давомида “ex-ante” усулида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш бўйича амалга оширган ишларига тўхталадиган бўлсак 2024 йилда жами 1820 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг рақобат муҳитига таъсири баҳоланган. Уларнинг атиги 40 тасида (2 фоизи) рақобат қонунчилигига зид ҳолатлар эканлиги аниқланган.

Қўмитанинг марказий аппарати томонидан 1026 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг рақобат муҳитига таъсири баҳоланган бўлиб, уларнинг атига 449 тасида (44 фоизи) рақобат қонунчилигига зид ҳолатлар аниқланган.

Кун тартибидаги масала юзасидан Жамоатчилик кенгаши аъзоси **О.Усмонов** Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2024 йил давомида товар ёки молия бозори таҳлил қилингани, Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан project.gov.uz портали орқали

Қўмитага келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини (ex-ante) рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш ҳолатларини, Товар-хом ашё биржаларини лицензиялаш ва харид тизимларни назорат қилиш йўналишида ишлар олиб борилганини, тартибга солинадиган нархлар ва тарифларни таҳлил ва назорат қилиш ҳамда табиий монополия субъектларини тартибга солиш, давлат харидларида рақобатни таъминлаш, инсофсиз рақобат амалиётларига, тил бириктиришлар ва картель келишувларга қарши курашиш, иқтисодий концентрация устидан назорат қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш, юридик соҳада амалга оширилган ишлар, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, жамоатчилик билан алоқаларни ташкил этиш, халқаро ҳамкорлик ва Рақобат қўмитаси фаолиятини рақамлаштириш соҳаларида амалга оширилган ишлар борасидаги асосий кўрсаткичларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, Жамоатчилик кенгаши иштирокчилари, жумладан, Монополияга қарши экспертлар кенгаши раиси **З.Вахидов** Қўмита 2025 йилда ҳам ўз олдида бир қатор амалга ошириладиган истикболли режалар қўйганини бу режалар бозорда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қуйидаги **Қонунчиликни такомиллаштириш** (*Рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш орқали бозорда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш*), **Монополияга қарши курашишни кучайтириш** (*Монополияга қарши назоратни кучайтириш учун бозор мониторинги тизими такомиллаштириш, Монополияга қарши қонунбузарликларни тезкор аниқлаш ва уларга қарши курашиш бўйича замонавий усуллар жорий этиш*), **Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш** (*Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш, Истеъмолчилардан келиб*

тушган мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнлари соддалаштириш ва уларнинг сифатли ҳал этилиши таъминлаш), борасидаги амалга ошириладиган истиқболли стратегик йўналишларда ишлар олиб бориш кераклигини таъкидлаб ўтди. Монополияга қарши экспертлар кенгаши раиси ўринбосари **О.Насиров** бу йўналишлар 2025 йилда Ўзбекистон бозорларида рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этиши ҳамда мамлакат иқтисодий барқарорлигини ошириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиш борасидаги масалалар бўйича ўз фикрини ва тавсияларини билдирди. Монополияга қарши экспертлар кенгаши раиси ўринбосари **Л.Ачилова** **Рақобат муҳитини яхшилаш** (*Тадбиркорлик субъектлари учун тенг шароитлар яратишга қаратилган ислоҳотлар амалга ошириш, Хусусий секторда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун қўшимча молиявий ва ҳуқуқий кафолатлар яратиш*) борасидаги амалга ошириладиган ишлар тўғрисида таклиф ва тавсияларни билдирди.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамоатчилик кенгашининг
умумий йиғилиши қарор қилади:**

1. Жамоатчилик кенгаши раиси **Д.Мирзаахмедов** томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамоатчилик кенгаши аъзоси — **О.Усмонов** Қўмита томонидан 2024 йил давомида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда 2025 йилда амалга ошириладиган асосий мақсад ва устувор вазифалар тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар инобатга олиниб, тегишли тартибда

тавсиявий асосда кўриб чиқиш ва иш фаолиятида инобатга олиш учун
Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
қўмитасига киритилсин.

Йиғилиш котиби,
баёнлаштирувчи



С.Нормуродов